

Туркиянинг биринчи хоними Эмине Эрдўған энг нуфузли мусулмонлар ўнталигига кирди



14:35 / 21.09.2020 1540

Жорий йилнинг 13 сентябрь куни халқаро таҳлил маркази Туркиянинг биринчи хоними Эмине Эрдўғанни дунёдаги энг нуфузли мусулмон арбобларидан бири деб эълон қилди. Бу ҳақда Туркиянинг Анадолу агентлигига таяниб, **Islam.plus** сайти хабар берди.

Покистон ва Бельгияда бир вақтнинг ўзида фаолият юритадиган ва турли хил мамлакатлардан 5000 та тинчлик элчилари ва 12000 дан зиёд аъзоларни бирлаштирган Тинчлик ва тараққиёт институти (INSPAD) Эмине Эрдўғанни «International Peace Awards 2020» Халқаро тинчлик мукофотлари учун номзодини тақдим этди.

Бундан ташқари, совриндорлар рўйхатига Малайзиянинг собиқ бош вазири Маҳатхир бин Муҳаммад, Баҳрайн аёллар кенгаши раҳбари шайх Нура Ал-Халифа, Мусулмонлар Жаҳон Лигаси бош қотиби Саудия Арабистонидан Муҳаммад бин Абдулкарим ал-Исса, АҚШ конгрессмени Илҳан Омар, Буюк Британия лордлар палатаси аъзоси Назир Аҳмад, Покистон мусулмонлар институти раиси Соҳибзода Султон Аҳмед Али ва Қатарнинг олий таълим вазирининг ўринбосари Иброҳим бин Салоҳ Ан-Навми кирди.

Эмине Эрдўған аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш, атроф-муҳит, маданият, санъат ва ижтимоий масъулиятга эътибор қаратиб, ижтимоий ривожланишдаги улкан ҳаракатлари учун танланган, дея таъкидлайди

INSPAD президенти Муҳаммад Тоҳир Табассум.

Islom.uz сайти